

1-10-2020

SOCIO-PEDAGOGICAL FUNCTION OF SPORT IN THE SPIRITUAL PERFECTION OF YOUTH

Ismatillo Ummatalievich Tuxtanzarov
Fergana State University

Adham Meliboevich Maxmutaliev
Fergana State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Tuxtanzarov, Ismatillo Ummatalievich and Maxmutaliev, Adham Meliboevich (2020) "SOCIO-PEDAGOGICAL FUNCTION OF SPORT IN THE SPIRITUAL PERFECTION OF YOUTH," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 1 , Article 62.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss1/62>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

SOCIO-PEDAGOGICAL FUNCTION OF SPORT IN THE SPIRITUAL PERFECTION OF YOUTH

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 1 сон

СПОРТНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДАГИ ИЖТИМОЙИ-ПЕДАГОГИК ФУНКЦИЯСИ

Тўхтаназаров Исматилло Умматалиевич,
Махмуталиев Адхам Мелибоевич
Фарғона давлат университети

Аннотация: Мақолада бугунги кунда мамлакатимизда спорт соҳасига берилаётган эътибор, унинг ёшлар маънавий ва жисмоний камолотидаги ўрни, спортнинг орқали ёшларда ватанпарварлик, толерантлик, фаоллик фазилатларини шакллантиришдаги ижтимоий-педагогик функциялари ва уни такомиллаштириш зарурияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: спорт, миллий ўйинлар, ёшлар, маънавий камолот, ватанпарварлик, толерантлик, фаоллик.

СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ФУНКЦИЯ СПОРТА В ДУХОВНОМ РАЗВИТИИ МОЛОДЕЖИ

Тухтаназаров Исматилло Умматалиевич,
Карпова Наталья Александровна
Ферганский государственный университет

Аннотация: В статье проанализировано уделяемое сегодня в нашей стране внимание спорту, его роль в духовном и физическом развитии молодежи, социально-педагогические функции в формировании у молодежи качеств патриотизма, толерантности, активности посредством спорта и необходимость его совершенствования.

Ключевые слова: спорт, национальные игры, молодежь, духовная гармоничность, патриотизм, толерантность, активность.

SOCIO-PEDAGOGICAL FUNCTION OF SPORT IN THE SPIRITUAL PERFECTION OF YOUTH

Tuxtanzarov Ismatillo Ummatalievich,
Maxmutaliev Adham Meliboevich
Fergana State University

Abstract: The article analyzes the attention given to the sports sphere in our country today, its role in the spiritual and physical perfection of youth, socio-pedagogical functions in the formation of patriotism, tolerance, activity qualities in youth through sports and the need to improve it.

Keywords: Sports, National Games, Youth, spiritual perfection, patriotism, tolerance, activity.

Инсоният асрлар давомида синовдан ўтган ижтимоий-педагогик ходиса, жисмоний машқларни, яъни спортни – соғлом ҳаёт фалсафасини шакллантиришнинг кафолати деб бежиз айтмаган. Чунки спорт миллати, ирқи,

динида қатъий назар барчага соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришга кенг имкониятлар яратиб берадиган омиллардан биридир. Шу боис Президентимиз Ш. Мирзиёев бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: “Спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият берамиз”[1]

Спорт инсонда юксак маънавийлик ва ахлоқийликни шакллантиради. Спортни ривожлантириш жамиятимизда меҳр-мурувват туйғусини юксалтириш борасидаги мақсадларимизга, сиёсатимизга ҳам жуда катта хисса қўшади, ўзини ҳақиқий спортчи деб биладиган, спорт билан чин кўнгилдан шуғулланадиган одам ҳеч қачон бировнинг ризқига хиёнат қилмайди, қўполлик, бахиллик, хасад, каби иллатлардан йироқ бўлади. Бундай болалар ҳеч қачон кўчада одобсизликка бориб, кучини намоийш қилмайди, чунки, унинг ички дунёсига спорт орқали янги қараш, янги инсоний ҳиссиётлар киради.

Тарихий анъаналаримиз ва кадрларимизни миллий спорт турлари орқали ёшларимиз онгига синдирилаётганлиги уларнинг дунёқарошига салбий таъсир қиладиган иллатлардан огоҳ этилаётганлиги, айниқса аҳоли ўртасида спортни оммалаштирадиган услуб ва воситаларини янада такомиллаштирилаётганлиги ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан спортга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда ва қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт мусобақалари, шунингдек, халқ миллий ўйинлари, фестиваллари ва турнирларнинг мунтазам ташкил этилиши ўзининг амалий самарасини бермоқда.

Келажакимиз эгалари бўлган ёшларни маънавий ва жисмоний етук қилиб тарбиялашда миллий спорт ўйинларининг келиб чиқиши тарихи тўғрисида ёшларга тўғри ва аниқ, шу билан бирга қизиқарли маълумотлар бериб бориш, уларнинг онгида миллий анъаналаримизга бўлган меҳрни оширади ва уларни кадрлашга ўргатади. Шу билан бирга, мусобақалар давомида спортчиларнинг ўз Ватани шаънини фахр билан химоя қилишларида катта аҳамиятга эга бўлади.

Бугунги кунда спорт етарли даражада ўз таъсир кучига эга бўлган сиёсий, ижтимоий масала бўлиб, ҳатто, спорт катта гуруҳдаги инсонларни бирлаштириб, маълум мақсадлар сари етаклаш имкониятини вужудга келтирди.

Жаҳон спорти тарихи соҳасини ўрганувчи кўпчилик тадқиқотчилар таъкидлашича, спорт гуманитар соҳадаги хулқ атвори ўрганувчи фанлар психология, фалсафа, социология, тарих каби фанларининг объектига айланиб улгурди.

Спортнинг ижтимоий-педагогик функцияси ҳақида фикр юритганда биринчи навбатда унинг жамият маънавий ахлоқий муҳити билан боғлиқлигига эътибор қаратиш зарур.

Жамиятнинг маънавий ахлоқий муҳити давр эҳтиёжлари ва талабларига кўра такомиллашиб боради. Бугунги Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёти ҳам жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг янги тушунчалар, ахлоқий кадрлар, тамойиллар

ва нормалар билан ривожланиб боришини тақозо этмоқда. Шахсни шаклланишида, маънавий ахлоқий тарбиялашда идеал даражадаги кадриятларга асосланиш кутилган самарани беради. Спорт инсонда ахлоқийликни шакллантиради, ахлоқийлик даражасини белгилашда ирода, бурч, масъулият каби тушунчаларни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Спортнинг агрессивлик ва завқланиш диалектикасини тарихийлик, мантикийлик асосида ўрганиб чиқиш, жамиятнинг тарихий босқичларида турли маданиятларда жангари ва ўлимга олиб келувчи спорт ўйинлари худди одатлар сифатида қабул қилиниши, расмийлаштирилган ва қонунлаштирилган қоидалар бўлмаганлиги, хатто айрим халқларнинг спорт ўйинларида инсонни қурбон қилиш ҳолатлари бўлганлигини қайд этиш лозим.

Баъзи маданиятларда урушқоқлик ва агрессивлик кўпроқ қадрланса, бошқаларида дўстона муносабатлар, толерантлик кўпроқ қадрланади.

Ҳозирги замонавий спорт турларининг унверсал қоидалар асосида ўтказилиши ва уларда умуминсоний кадриятларни янада ривожлантиришга эътибор қаратилиши спортнинг ижтимоий-педагогик функциясининг муҳим жihatларидан бири бўлиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқ қилиб тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шунинг билан бирга спорт нафақат инсонни жисмоний бақувват қилади балки уни эстетик жihatдан камолга етказди. Спорт билан шуғулланган ёшларнинг кўпчилиги ўз мақсадларига эришишда қатъиятли ва кучли иродага эга бўлади.

Ҳар қандай қийинчиликларни сабр матонат билан енгиши, ўзгаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш каби ахлоқий фазилатларни шакллантириш билан бирга ўзлари гўзал ҳаракатларни намоён этиб, эстетик завқ олишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда спорт санъат даражасига кўтарилди, замонавий спорт техникаси томошабинларга завқ бағишламоқда.

Ҳозирги даврда миллий ғоянинг муҳим тамойилларидан бири – бу толерантликдир. Хусусан, толерантлик тамойилини амалдаги фаолиятини аҳоли ўртасида миллий, диний, ижтимоий бағрикенгликни яратиш, соғлом маънавий, жисмоний муҳитни яратишга бўлган ҳаракатда кўриш мумкин. Ёшларни баркамол, бағрикенг қилиб тарбиялаш учун муҳим соҳа бўлган оммавий спорт, жисмоний тарбияни шакллантиришдан бошланди. Жисмоний тарбия ва спорт кишиларнинг камол топтириш, улар ижтимоий-иқтисодий вазифалари ҳал этишда бағрикенг бўлишларини омилидир. Ҳозирги даврга хос бунёдкорлик ишларини ҳам ақлан, ҳам жисмоний баркамол кишиларгина муваффақиятли амалга оширадилар. Зеро “толерантликни тарбиялаш – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири” дир[2].

Фуқаролик жамияти ривожланиб бораётган давлатларда ҳар бир шахс ўз жисмоний баркамоллигини, барча имкониятларини тўла намоён қилиши мумкин. Хусусан, юртимизда жисмоний тарбия ва спорт учун яратиб қўйган шароитда барча ёшларда бағрикенгликни шакллантириш ва уларда ўз имкониятларини тўлақонли амалга ошириш шароити яратилган. Бу тўғрисида Юртбошимиз шундай дейди: “Бу

дунёда, қайси соҳада бўлмасин, бирон-бир ютуқ ва натижа ўз-ўзидан келмаслигини, ўйлайманки, барчангиз яхши англайсиз. Жумладан, спорт оламида ҳам юксак марраларни эгаллаш, ўз муродига етиш учун, аввало, мустаҳкам пойдевор, истеъдод ва интилиш, энг муҳими, кучли ирода, тинимсиз меҳнат ва шижоат кераклиги ҳеч кимга сир эмас”[3].

Спортнинг оммавийлиги ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш учун асосий шартлардан биридир. “Айнан спортда ғалаба имкониятларининг тенглиги, биринчи бўлишга интилиш, нафақат рақибини балки ўзини ҳам енгиш каби замонавий жамият учун муҳим бўлган қадриятлар яққол намоён бўлади”[4]. Спорт изланишлари соҳаси анъанавий тиббий ва педагогик изланишларни фалсафий-тарихий ва ижтимоий изланишлар билан тўлдирди. Глобаллашув замонида ғоявий ёки мафкуравий курашиш, миллий рақобатчилик ўрнига оммавий спортни ривожлантириш, спортдаги дўстларча, мардларча курашиш сингари ахлоқий фазилатларни ривожлантириб инсонларда бағрикенгликни пайдо бўлишга асос бўлади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов жисмоний маданият ва спортни ривожлантириш нафақат инсонни танасини такомиллаштиради, балки инсоннинг ахлоқий фазилатлар билан бойитади деб таъкидлайди. “Спортчи уни қўрқув эмас, балки ахлоқий нормалар бошқараётганлигини тушунган пайтдан у мураббийга, дўстларига, ўртоқларига, спортчиларига қўрққани учун эмас, балки виждони буюргани учун хушмомилада бўлади. Спортни ривожлантириш жамиятимизда меҳр-мурувват туйғусини юксалтириш борасидаги мақсадимизга жуда катта ҳисса қўшади”[5].

Спорт билан шуғулланиш болаларда юксак ахлоқий фазилатларни шакиллантиради: бола меҳр-мурувватли бўлиб боради, кўполлик, бағриторлик, ҳасад каби иллатлардан йироқ бўлади, унда жамоавийлик, бағрикенглик, ўз гуруҳи ва машғулотларидан мағрурланиш, инсонийлик, ватанпаварлик ва миллатидан қатий назар бир Ватан байроғи остида ҳаракатлантиради. Соғлом ва бақувват авлодни вояга етказиш жуда кўп ижтимоий, ташкилий ва маънавий муаммолар билан боғлиқ эди. Бу муаммолар бирин-кетин ҳал қилина бошлади. Кун тартибида Ўзбекистонда янги бир йўналиш, спорт билан боғлиқ умумхалқ ҳаракатини ташкил этиш зарурияти туғилди. Шунинг учун ҳам ўтган йигирма йил ичида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгандан сўнг қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, Қонунлар, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирларни тўғрисида”ги, “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги”ги, бошқа фармон ва қарорлар туб ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, ва маданий ўзгаришларни юзага келтирмоқда.

Спорт билан шуғулланиш иродани чиниқтириши, жисмоний жиҳатдан кучли бўлиши, соғломликни таъминлагани учун жамиятдаги барча унга интилиб, қизиқиб, боради. Спорт жисмоний маданиятни юксалтирадиган восита бўлиб, у

ижтимоий-маданий жараёни ташкил қилади ва натижаси ўлароқ тинчлик, дўстлик, ёшларда бағрикенгликни шакллантирадиган, ахлоқий сифатларни шакллантирадиган полифункционал ижтимоий фаолият ҳисобланади.

Тадақиқотчиларнинг фикрича, “Спортчи” сўзи талаффуз этилганда кўз ўнгимизда нафақат кучли, чидамли ва чаққон ҳамда қадди қомаги келишган йигит ёки қиз образи гавдаланибгина қолмай, иродали, тўғри, ҳақ сўзли, ҳаётга доимо яхши умид билан қарайдиган, оптимистик, ҳар қандай қийинчиликларни осон енгувчи, камтарин ва ўз ютуқларига хотиржам инсонни тушунамиз[6]. Бундан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биринчидан, спорт жамият манфаати учун хизмат қиладиган ижтимоий фаолият бўлиб, бағрикенгликни шакллантиришда ўзига хос йўлни танлайди;

иккинчидан, спорт жамиятда бефарқлик, лоқайдлик каби иллатларни бартараф этиб, индивидларда жисмоний ва ижтимоий бағрикенгликни яхлитлаштириб, кўструктив фаолиятни олиб боради;

учинчидан, спорт орқали толерантлик маданияти шакллантирилса, кишилараро, миллатлараро, давлатлараро муносабатларда тенглик, ҳамдардлик, ўзаро ҳурмат, урф-одатларга, сўзлашув тилларни хилма-хиллигига сабр-тоқат ва ҳурмат, манфаатлар интеграцияси юз беради.

Соғлом ва баркамол авлод тарбиясида ўтган давр мобайнида ва ёшларда юксак ахлоқий идеални ривожлантириш мақсадида «Баркамол авлод йили» давлат дастурига биноан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошланган катта ишларимизнинг ҳеч сусайтирмасдан давом эттириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалалари кенг ўрин олиши алоҳида таъкидланган. Спортнинг шаклланиб, оммалашиб бориши маънавий-ахлоқий интеграцияни кучайтишига, халқаро, миллатлараро бағрикенгликни шаклланишига сабаб бўлмоқда. Айниқса республикамизда спорт ва оммавий соғлом турмуш тарзини яратиш ишларини олиб борилиши толерантлик тамойилини янада устуворлигини таъминламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, спорт ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида ўзининг келиб чиқиш тарихи, моҳияти, функциялари, жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига эгадир.

Иккинчидан, миллийлик ва умуминсонийлик диалектикаси ривожланиш тенденцияларини ўрганиш орқали ёшларни миллий руҳда тарбиялашда спорт муҳим ижтимоий-педагогик вазифани адо этади.

Спорт инсонни жисмоний ва руҳий гўзалликка етакловчи, уни ҳар томонлама тарбиялашга хизмат қиладиган муҳим омил бўлиб қолаверади.

References:

- [1] Mirziyoev SH.M. Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi. – Toshkent: O'zbekiston, 2019. –B. 36.
- [2] Qodirova Z.R va boshqalar. YOshlar ijtimoiy faolligi va tolerantligini yuksaltirishning ijtimoiy-falsafiy masalalari. – Toshkent: Falsafa va huquq, 2006. –B. 22
- [3] Karimov I.A. Vatanimizning bosqichma-bosqich va barqaror rivojlanishini ta'minlash-bizning oliy maqsadimiz.- Toshkent: O'zbekiston, 2009. –B. 235.
- [4] Xose Ortega-i-Gasset. CHto takoe filosofiya? – M.: Nauka, 1991. – S.524
- [5] Karimov I.A. Tinchlik va xavfsizligimiz, o'z kuch-qudratimizga, hamjihatligimizga va qat'iy irodamizga bog'liq. 12-T.-T.: O'zbekiston, 2004. –B. 294
- [6] Abdullaev A., Xonkeldiev SH.X. Jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi. – Farg'ona: Universitet nashriyoti. 2001.- B. 31.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

1	Биринчи тартибли чизикли оддий дифференциал тенглама учун нолакал шартли масалалар Тиллабаева Г.И.....	3
2	О разрешимости одной краевой задачи для уравнения третьего порядка с кратными характеристиками в прямоугольной области Апаков Ю. П, Умаров Р.А.....	6
3	Dssc (dye sensitized solar cell) қуёш элементлари ва уларнинг айрим физик хоссалари Абдукаримов А.А.....	17
4	The probability of inheritance of non-linked genes in the 5th generations Ibragimov.R.....	22
5	Влияние рекомбинационных процессов на механизм токопрохождения ψ - π - σ - переходах Мадаминов Х.М.....	31
6	Turli tartibda buzilishga ega bo'lgan aralash tipdagi tenglama uchun bir chegaraviy masala haqida Maxsudova Sh, Hakimov O'.....	36
7	Исследование влияния характера термообработки на время жизни носителей заряда в кремнии, легированном медом Мирзарайимов Ж.З.....	40
8	Непараметрическое интервальное оценивание многомерной плотности вероятности и её производных Рахимова Г.Г.....	46
9	Uchinchi tartibli keli daraxtida tashqi maydonli bir model uchun ba'zi asosiy holatlar Rahmatullayev M.M.....	52
10	Фотоэлектрические свойства n - $\text{GaAs} - p$ - $(\text{GaAs})_{1-x}(\text{Ge}_2)_x$ гетероструктур с нанокристаллами германия Бобоев Акрамжон Йулдашбоевич, Усмонов Жохонгир Нишонбоевич, Махмудов Х.А, Уринбоев М.И, Тожимухаммадов А.К.....	58
11	Ўзбекистонда информатика фанини ўқитишнинг қисқа тарихи Отаханов Н.А.....	64

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

12	Oddiy o'g'itlarning sifat ko'rsatkichlari uchun ba'zi texnologik kattaliklarni o'rganish Giyasidinov A.L, Sulstonov B.E, Namazov Sh.S, Xamraqulov Z.A.....	69
----	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

27	Хитой фалсафий тафаккурида инсон табиати ҳақидаги фикрлар ва унинг Ван Ян Мин ғояларидаги талқини Хошимов С.С.....	173
----	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

10.00.00

28	Ўзбек тилшунослигида тош номларини тадқиқининг амалий аҳамияти Бозорова Е, Кадирова З	178
29	“Бобурнома” да оила ва хотин-қизлар мавзусининг ёритилиши Қосимова Г.Н.....	182
30	Ingliz uzbek va rus tillaridagi oʻtimli va oʻtimsiz feʻllar Najmiddinov J, Bahodirov A.....	187
31	Barriers to the use of computer-based language teaching by english teachers. Azamov S.....	193
32	Формирование лексических навыков в английском языке в средних школах Ботирова З.Х.....	199
33	Алломорфирование модификационных суффиксов с деминутивным значением Зинин Е.О.....	204
34	Жеймс Жойсинг “Улисс” асарининг лексик тадқиқининг айрим муаммолари. Bahriddinov M.M, Turgʻunov D.B, Tojiboyev I.M.....	208
35	Интенсификация/деинтенсификациянинг синоним ва вариант парадигмаларни шакллантириши Зияев А.И.....	213
36	Нерегламентированная пунктуация в романе е. замятина «мы» Гайбуллаева З.Т.....	220
37	Психолингвистиканинг вужудга келиш тарихи Фазлиева А.Ж.....	226
38	Синтактик позиция ва гапни бўлакларга ажратиш тамойиллари Усмонова Ҳ.....	234
39	Ғафур Ғулум насрида бадий-тасвирий воситаларни қўлланиши Ҳамидова М.О.....	238
40	The mythology and fantasy in the work of j.r.r. tolkien “the lord of the rings” Shergoziyev Sh.....	243
41	Ўзбек тилшунослигида синонимиянинг анъанавий ва замонавий талқини Раҳмонов Ғ.Р.....	249
42	Тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз услубий қўлланишига таъсири Қўшоқова Б.Й.....	255

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

13.00.00

43	Chet tillarni oʻrgatishda muammoli taʼlim texnologiyasi Imomov I A.....	263
----	----------------------------------------------------------------------------	-----

44	Teaching process writing effectively in efl classes. Musayeva G.....	267
45	Boshlang'ich sinf o'quvchilarida mantiqiy fikrlashni yuzaga keltirish yo'llari Satarov B, So'fiboyeva G	273
46	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini qunt bilan dars tayyorlashga yo'naltirish Nuraliyeva K.I.....	278
47	Чет тилларни ўқитишда ўзаро ҳамкорлик технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари Абдуллаева М.Н.....	284
48	Инновация-ҳозирги замонавий таълим муассасаси ўқитувчисининг педагогик тафаккурини ривожлантириш воситаси сифатида Абдурасулов Ф.П.....	291
49	Таълим тизимида касбий компетентлик тушунчасининг таҳлили Абдурахимов.Қ.....	296
50	Алишер Навоий шахсини ўрганишда тарихий, илмий, бадиий асарлардан фойдаланиш Абдуллаев К.....	304
51	Талабаларда саломатлик маданиятини шакллантиришнинг айрим педагогик жиҳатлари Джураев Э.М, Акзамов С.Д.....	308
52	Жисмоний маданият ўқитувчиси касбий тайёргарлиги жараёнининг айрим замонавий педагогик хусусиятлари Исломов И.А, Парпиев О.А.....	313
53	Boshlang'ich ta'limga integratsiyalashgan texnologiyadan foydalanish yo'llari Abdullayeva N.M.....	317
54	Маҳкум шахсни ижтимоий меҳнат билан тарбиялаш давр талаби: ижтимоий тажриба Тураханова Д.А.....	324
55	Boshlang'ich ta'lim o'qituvchisi kasbiy kompetentligining asosiy tarkibiykomponentlari Ne'matova S.I.....	330
56	Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситасида такомиллаштириш Хақимов Ж.О.....	336
57	Компетенциявий ёндашув - мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал ривожлантириш омили сифатида Далибаева Ш.Т.....	343
58	Таълим самарадорлигини оширишда инновацион таълим технологияларини қўллаш замон талаби сифатида Пўлатова Н.М.....	348
59	Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва шеърятини интерфаол усуллар орқали ўрганиш Сайдахмедова Н.С.....	353
60	Методические основы формирования умений и навыков при обучении профессиональному английскому языку	358

Исроилова Д.М.....	
61 Новые инновационные технологии в преподавании иностранного языка. Нишанова, Т. Икромова М.....	364
62 Спортнинг ёшлар маънавий камолотидаги ижтимоий-педагогик функцияси Тўхтаназаров И.У, Махмутаев А.М.....	367
63 О профессионально–прикладной физической подготовке студентов Усманов Б.Х.....	373
64 Талаба-ёшлар этник ўзлигини англашида ота-оналар педагогик саводходлигининг аҳамияти Хайдарова Х.Р.....	379
65 Оилада ахлоқий-маънавий тарбияда шахслараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари Мирзаева Фароҳат Одилжоновна.....	383
66 Жамоавий муносабатларда мактабгача тарбия ёшидаги болаларда шахс сифатларини шакллантириш аспекти Ярманова Ю.Б.....	389
67 O'рта maxsus ta'lim va oliy ta'limda matematika fanlarini uzviyligining ta'minlanganlik darajasi Ustadjalilova X.....	394
68 Бўлажак мактабгача таълим муассасалари педагог-тарбиячиларини тайёрлашнинг педагогик-психологик хусусиятлари Хушназарова М.Н.....	399
69 Kimyo ta'limida modulli tizim va elektron darslik yaratish metodikasini takomillashtirishning amaliy samaradorligi Ixtiyarova G.A Ahadov M.Sh.....	405
70 Компьютер ўйинлари ёрдамида таълим олувчиларнинг математик саводхонлик даражасини аниқлаш Нажмиддинова Х.....	413
СИЁСИЙ ФАНЛАРИ ПОЛИТИЧЕСКИЕ НАУКИ POLITICAL SCIENCES	
71 Амир Темур сиёсатида “кенгаш” институтининг роли Алимардонов Т.Т.....	421